**Иқтисод** ва молия
**Экономика** и финансы

№8, 2014

# МУНДАРИЖА
# СОДЕРЖАНИЕ

**ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН
КАРАКАЛПАКСКОГО ОТДЕЛЕНИЯ АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
И НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОГО ЦЕНТРА «НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ
И ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА» ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

2 **МАҚОЛАЛАРГА АННОТАЦИЯЛАР / АННОТАЦИИ К СТАТЬЯМ**

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР / МИРОВАЯ ЭКОНОМИКА И МЕЖДУНАРОДНЫЕ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ**

8 **Муминов Н.Г.** Сингапур инновацион ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ / МОДЕРНИЗАЦИЯ ЭКОНОМИКИ**

19 **Кадыров А.М., Севликянц С.Г.** Формы и методы государственной поддержки развития сектора информационно-коммуникационных технологий

28 **Умаров Ф.** Қулай инвестицион муҳит инновацион тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида

**МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ / РЫНОК ТРУДА И СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА**

34 **Хайдаров М.Т.** Ижтимоий ҳамкорликнинг назарий асослари

**БАНКЛАР ВА МОЛИЯ БОЗОРИ / БАНКИ И ФИНАНСОВЫЕ РЫНКИ**

45 **Султанова Л.Ш., Айдинова М.А.** Современное состояние кредитных институтов в инвестиционном обеспечении экономики Узбекистана

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ / БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ И АУДИТ**

55 **Мамаджанов И.** Вопросы реформирования бухгалтерского учета и отчетности в государственном секторе

**ТАҚРИЗЛАР. БИБЛИОГРАФИЯ / РЕЦЕНЗИИ. БИБЛИОГРАФИЯ**

64 Шодиметов К. муаллифлигида нашрга тайёрланган «Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари» китобига шарҳлар

69 **МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ / СВЕДЕНИЯ ОБ АВТОРАХ**

**«ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ»** журнали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг илмий нашрлар рўйхатига киритилиши режалаштирилган

### *МУМИНОВ Н.Г. СИНГАПУР ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ*

Мақолада Сингапурнинг иқтисодий мўъжизага эришишида миллий иннова-ционон тизимнинг ўрни, қурилиш индустрияси ва инновацион тараққиёти, «Био-полис» илмий-тадқиқот маркази ва унинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ҳақидаги маълумотлар берилган.

Таянч иборалар: инновация, уй-жой хўжалиги, қурилиш индустрияси, мо-лиявий хизматлар, биотехнологиялар.

### *МУМИНОВ Н.Г. ОСОБЕННОСТИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ СИНГАПУРА*

Роль национальной инновационной системы в достижении экономического чуда Сингапура. Строительная индустрия и инновационное развитие. Научно-исследовательский центр «Биополис» и его место в экономике страны.

Ключевые слова: инновация, жилищное хозяйство, строительная индустрия, финансовые услуги, биотехнологии.

### *MUMINOV N.G. SPECIFICS OF SINGAPORE INNOVATIONAL DEVELOPMENT*

Describes role of innovational system in the achievement of economic miracle of Singapore. The construction industry and innovational development. Research centre of «Biopolys» and those role in the country economy.

Keywords: innovation, domicile economy, construction industry, financial services, biotechnology.

### *КАДЫРОВ А.М., СЕВЛИКЯНЦ С.Г АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СЕКТОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВЛАТНИНГ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ШАКЛИ ВА УСУЛЛАРИ*

Ушбу мақолада Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг илмтлаб соҳаларидан бири сифатида АКТ соҳасини ривожлантириш тенденциялари таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистонда АКТ соҳасини ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш масалалари муҳим аҳамиятга эгалиги илмий асослаб берилган.

Таянч иборалар: инновацион иқтисодиёт, ахборотлаштириш, ахборотлашган жамият, ахборот-коммуникация технологиялари, илмталаб маҳсулот.

### *КАДЫРОВ А.М., СЕВЛИКЯНЦ С.Г. ФОРМЫ И МЕТОДЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОДДЕРЖКИ РАЗВИТИЯ СЕКТОРА ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ*

В данной статье особое внимание уделено развитию сферы ИКТ в Узбекистане, как одного из важнейших наукоемких секторов национальной экономики и имеющей принципиально важное значение для роста её конкурентоспособности.

Ключевые слова: инновационная экономика, информатизация, информационное общество, информационно-коммуникационные технологии, наукоемкая продукция.

### *KADIROV A.M., SEVLIKYANS S.G. FORMS AND METHODS OF STATE SUPPORT FOR THE DEVELOPMENT OF THE INFORMATION- COMMUNICATION TECHNOLOGIES SECTOR*

The article focuses on the development of ICT in Uzbekistan as one of the most important high-tech sectors of the national economy, possessing fundamental importance for the growth of its competitiveness.

Keywords: innovational economy, information, information society, informational-communicational technologies, scientific production.

### *УМАРОВ Ф. ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА*

Ушбу мақолада Ўзбекистон иқтисодиётига инновацияларни жалб этиш орқали иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига, янги ишчи ўринларини яратиш ҳисобига бандликни таъминлаш, инсонлар турмуш фаровонлигининг юксалишига хизмат қилувчи омиллар билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган.

Таянч иборалар: инвестицион муҳит, тадбиркорлик фаолияти, хорижий инвестиция, инновацион иқтисодиёт, иқтисодий механизм, инновацион маданият, инвестицион тизим.

### *УМАРОВ Ф. БЛАГОПРИЯТНАЯ ИНВЕСТИЦИОННАЯ СРЕДА КАК ФАКТОР РАЗВИТИЯ ИННОВАЦИОННОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА*

В данной статье рассмотрены вопросы связанные с факторами, которые служат стабильному развитию экономики путем привлечения инвестиций в экономику Узбекистана, обеспечению занятости за счет создания новых рабочих мест, повышению благосостояния жизни населения.

Ключевые слова: инвестиционная среда, предпринимательская деятельность, иностранные инвестиции, инновационная экономика, экономический механизм, инновационная культура, инвестиционная система.

### *UMAROV F. APPROPRIATE ENVIRONMENT AS FACTOR ON INNOVATIVE ENTREPRENEURSHIP DEVELOPMENT*

There is considered in the article issues connected with factors servicing of stable development, through attraction of investments to the economy of Uzbekistan, providing employment creating new work places, increasing social wellbeing.

Keywords: investment environment, entrepreneurship activity, foreign investments, innovative economy, economical mechanism, innovational culture, innovational system.

### *ХАЙДАРОВ М.Т. ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ*

Мақолада ижтимоий ҳамкорлик ва ижтимоий шерикчилик борасида назарий қарашлар, уларнинг вужудга келишларидаги тарихий вазият ҳамда ахборот жамияти шаклланишида бу соҳадаги ўзгаришларда юз бераётган жараёнларни ўрганишдаги маълум ёндашувлар кўриб чиқилган.

Таянч иборалар: фуқаролик жамияти, ахборот жамияти, социал-демократия, қонун устуворлиги, шахснинг асосий ҳуқуқлари ва эркинлиги, шерикчилик муносабатлари, ижтимоий тафовутлар, ИТР, инновацион иқтисодиёт.

### *ХАЙДАРОВ М.Т. ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СОЦИАЛЬНОГО ПАРТНЕРСТВА*

В статье приводятся теоретические воззрения по социальному партнерству, исторические условия их возникновения и некоторые подходы к рассмотрению изменений в сфере социального партнерства при становлении и развитии информационного общества.

Ключевые слова: гражданское общество, информационное общество, социал-демократия, верховенство закона, основные права и свободы личности, партнерские отношения, социальные противоречия, НТР, инновационная экономика.

### *KHAYDAROV M.T. THEORETIC BASICS OF SOCIAL PARTNERSHIP*

There is considered in the article the theoretical issues of social partnership, historical conditions of those appearance and some approaches to consideration of social partnership in the conditions of information society development.

Keywords: civil society, information society, social democracy, supremacy of law, basic civic rights, partnership relations, social contradictions, STR, innovational economy.

### *СУЛТАНОВА Л.Ш., АЙДИНОВА М.А. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ ИНВЕСТИЦИОН ТАЪМИНЛАШДА КРЕДИТ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ*

Ушбу мақолада банк тизими ва лизинг компанияларининг Ўзбекистон иқтисотиётида тутган роли таҳлил қилинган. Мақолада кредит интситутларининг позитив динамикаси эътироф этилган.

Таянч иборалар: кредит институтлари, тижорат банклар, лизинг компаниялари, молиявий воситачилар, рейтинг агентликлари, инвестициялар.

### *СУЛТАНОВА Л.Ш., АЙДИНОВА М.А. СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ КРЕДИТНЫХ ИНСТИТУТОВ В ИНВЕСТИЦИОННОМ ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА*

В статье рассмотрена роль в экономике Узбекистана таких кредитных институтов как банковская система и лизинговое финансирование. В статье отмечено положительная динамика в развитии кредитных институтов.

Ключевые слова: кредитные институты, коммерческие банки, лизинговые компании, финансовые посредники, рейтинговые агентства, инвестиции.

### *SULTANOVA L.SH., AYDINOVA M.A. CURRENT STATUS OF CREDIT INSTITUTIONS IN THE INVESTMENT PROCESS OF UZBEKISTAN'S ECONOMY*

There is discussed in the article role of such lending institutions as banks and leasing companies in the economy of Uzbekistan's. There is noted in the article that there is a positive trends in the development of credit institutions of the country.

Keywords: credit institutions, commercial banks, leasing companies, financial intermediaries, rating agencies, investment.

### *МАМАДЖАНОВ И. ДАВЛАТ СЕКТОРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ*

Мақола давлат сектори (бюджет ташкилотлари, ғазначилик тизимидаги) бухгалтерия ҳисоби тизимини такомиллаштиришга қаратилган. Бунда Давлат секторида халқаро молиявий ҳисоботлар стандартларига (ДСХМҲС) асосланиб, муаллиф миллий бухгалтерия ҳисобини жорий қилиш масалаларини кўтарган. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ҳозирдаги аҳволи очиб берилган, тараққий этиш йўллари таҳлил қилинган.

Таянч иборалар: бухгалтерия ҳисоби, бюджет ташкилоти, касса усули, ҳисоблаш усули, Бюджет кодекси, ДСХМҲС, Бухгалтерия ҳисоби стандартлари.

### *МАМАДЖАНОВ И. ВОПРОСЫ РЕФОРМИРОВАНИЯ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА И ОТЧЕТНОСТИ В ГОСУДАРСТВЕННОМ СЕКТОРЕ*

Данная статья ориентирована на вопросы улучшения системы бухгалтерского учета и отчетности в государственном секторе (бюджетных организациях, системе казначейства и т.д.) путем введения национальных стандартов бюджетного учета на основе Международных стандартов финансовой отчетности в общественном секторе (МСФООС). Автор стремился раскрыть текущее состояние системы бюджетного учета и отчетности, а также перспективы её развития.

Ключевые слова: бюджетный учет, бюджетная организация, метод начисления, кассовый метод, Бюджетный кодекс, МСФООС, стандарты бюджетного учета

### *MAMADJANOV I. ISSUES OF REFORMING THE ACCOUNTING IN PUBLIC SECTOR*

The presented article is directed to the issues of improvement of the accounting and reporting system of the public sector (budget organizations, treasure system and etc.) by implementing national standards of budget accounting on basis of International Public Sector Accounting Standards (IPSAS). The author tried to disclose the current status of the system of budget accounting and reporting and its development prospects.

Keywords: budget accounting, budget organization, charge method, cash method, Budgetary code, IPSAS, standards of the budget account.

**Муминов Н.Г.,**
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Макроиқтисодиёт» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди

# СИНГАПУРНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

***Сингапурнинг иқтисодий мўъжизаси – бу, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли уйғунлаштиришнинг натижасидир.***

Ҳар қандай мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар вақти-вақти билан сифат ва миқёс жиҳатдан ўзгариб туради. Бунинг сабаби ислоҳотлар ҳар бир босқичининг ўзига яраша мақсад ва вазифалари мавжуддир. Иқтисодиёт ва ижтимоий жараёнларни инновацион йўлга қўйиш маълум бир тажриба ва моделлардан фойдаланишни тақозо этади. Албатта, ушбу моделлардан кўр-кўрона фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Ривожланиш моделларини таҳлил қилганда уларда қўлланилган усулларни ўрганиш ва қўллаш йўлларини излаш зарур. Ислоҳотларни амалга оширишда жаҳон тажрибасидан самарали фойдаланиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай фикр билдирганлар: «Дунёда умумий йўл-йўриқлар, ўхшаш андозалар йўқ. Шунингдек жаҳонда бир-бирига мутлақо ўхшаш кишилар бўлмаганидек, айнан ўхшаш давлатлар ҳам йўқдир. Бизнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз республиканинг ўзига хос турмуш тарзини, шарт-шароитлари ва хусусиятларини, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган. Айни пайтда бизнинг йўл жаҳон амалиёти тўплаган, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторига ўтган мамлакатлар орттирган ижобий тажрибаларни ҳам ҳисобга олади»[1].

Сингапурнинг иқтисодий мўъжизаси – бу, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли уйғунлаштириш натижасидир. Массачусет технологик институти профессори По Кам Вонг Сингапурнинг инновацион миллий тизими шаклланишининг тўрт босқичини ажратиб кўрсатади:

[1] Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-ж. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. –3–4-б.

I босқич – индустриал тараққиёт фазаси (1965 йилдан 1970 йиллар ўрталаригача). Ушбу босқич мультимиллий компаниялар томонидан технологияларнинг трансфер қилинишига боғлиқликнинг юқорилиги ва меҳнат сиғими юқори бўлган саноатнинг ривожланиши билан тавсифланади.

II босқич – маҳаллий технологик имкониятларни кучайтириш фазаси (1970-йиллар ўрталаридан 1980-йиллар охиригача). Ушбу босқич мультимиллий компаниялар томонидан янги ва янгиланган операцияларнинг амалга оширилиши натижасида юзага келган жадал саноат ўсиши билан тавсифланади.

III босқич – амалий илмий тадқиқотларни экспансия қилиш фазаси (1980-йиллар охиридан 1990-йиллар охиригача). Ушбу босқич амалий илмий тадқиқотларнинг мультимиллий компанияларда жадал кенгайиб бориши ва янги давлат илмий-тадқиқот институтларининг ташкил этилиши билан тавсифланади.

IV босқич – юқори технологияли ишлаб чиқаришга ва илмий тадқиқотларга ўтиш фазаси (1990-йиллар охиридан). Ушбу босқич технологик инновацияларнинг маҳаллий имкониятларидан умид қилиш, янги маҳаллий юқори технологияли корхоналарни ташкил этиш ва илмга асосланган индустрияни ривожлантириш билан тавсифланади[1].

Сингапурда инновацион тараққиётнинг бошланиши, биринчи навбатда, самарали, кенг миқёсли уй-жой коммунал ислоҳотининг амалга оширилиши билан боғлиқдир. Ушбу ислоҳот якунида 90 фоиз сингапурликлар давлат томонидан қурилган кўп квартирали уй-жойларга кўчиб ўтишди. Қурилиш тармоғининг жадал ривожланиши локомотив вазифасини бажариб, Сингапурнинг юқори ўсиш суръатларига эришишига сабабчи бўлди. Бунда давлат ҳудудининг микроскопик даражада кичиклиги ва уй-жой муаммосининг мавжудлигини эътиборга олиш керак. Аҳоли зичлиги 1 км$^2$ га 5 минг киши тўғри келганлиги сабабли, Ли Куан Ю[2] кўп қаватли уй-жой қурилишларига, яъни 20–25 қаватли комплекс микрорайонларни яратишга кучли эътибор қаратди. Сингапур мустақилликка эришган даврданоқ Уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (УКХБ) ташкил этилди. УКХБ ўз фаолияти давомида миллионга яқин квартираларни қуриб битказди. Бу жараёнда жуда содда ва самарали молиявий схемадан фойдаланилди.

Шунингдек, Сингапурда Жамғармаларнинг марказий фонди (ЖМФ) ташкил этилиб, унга ҳар бир сингапурлик ҳар ойда ўз маошининг 20 фоизини ўтказишга мажбур, унинг иш берувчиси ҳам шундай миқдорда маблағ ўтказади. ЖМФдаги маблағлар солиққа тортилмайди. Инвестицион банкларда эса уларга фоизлар

[1] http://bizzone.info/articles/1344631928.php.

[2] Ли Куан Ю (1923 йил 16 сентябрда Сингапурда туғилган), Сингапур давлат арбоби. Ҳуқуқшунос маълумотига эга. 1951 йилдан адвокатлик амалиёти билан шуғулланган. 1951–59 йилларда касаба уюшмаси ҳаракати иштирокчиси. 1954 йилда Халқ ҳаракати партиясининг Бош котиби этиб сайланган. 1955 йилда Қонунчилик мажлиси депутатлигига сайланган. 1959 йилда умумий сайловда Халқ ҳаракати партияси кўпчилик овозга эга бўлгандан сўнг Сингапур премьер-министри лавозимини эгаллаган.

қўшиб борилади. Пенсия ёшига етгандан сўнг сингапурлик ушбу маблағни тўлиқ қўлга киритади. Ундан аввал эса, фуқаро ЖМФдаги маблағнинг ¾ қисмини квартира сотиб олиш учун, чорак қисмини эса зарурат туғилганда касалхонадаги даволаниш ҳақини тўлашга ишлатиши мумкин. Квартира олиш учун ЖМФда квартиранинг 20 фоизини тўпласа кифоя қилади, қолган суммани бўлиб-бўлиб тўласа бўлади. Бунда «оилавий молиявий альянслар» тақиқланмайди: ота-оналар ва фарзандлар, ака-укалар ва опа-сингиллар ЖМФдаги тўплаган ўз маблағларини бирлаштириш имконига эга бўлдилар. Давлат томонидан қурилган квартирага кўчиб ўтилгандан сўнг, беш йил ичида тўлиқ ҳаққи тўланса, уни ҳеч қандай чекловларсиз бозор нархида сотиб юбориш мумкин бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу имтиёзли уй-жой қурилиши дастуридан фақатгина Сингапур фуқаролари фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси ўз штатида бор-йўғи 12 минг кишига эга бўла туриб, қурилиш ва эксплуатация билан боғлиқ катта ҳажмдаги ишларни амалга ошира олади. Чунки бошқарма барча турдаги коммунал хизматлари бўйича пудрат ишларини очиқ савдога қўяди. Савдога сув таъминоти, оқава сув хизматлари, чиқиндиларни чиқариш, газонларни ўриш, ободонлаштириш, автотўхтов жойларини сақлаш хизматлари қўйилади. Бошқарма кўп қаватли уйларда хавфсиз ва узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида фақатгина лифтлар эксплуатациясини ўз қўлида сақлаб қолади.

ЖМФ фаолияти натижасида Сингапур жаҳондаги энг юқори жамғариш улушига эга бўлган мамлакатга айланди, бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотнинг 48 фоизини ташкил этади. Ҳозирги кунда у ерда 60 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағ жамланган. Бу ҳол фақатгина уй-жой қурилишини эмас, балки соғлиқни сақлашни ривожлантириш, ижтимоий таъминот ва пенсия дастурларини маблағ билан таъминлаш имконини беради[1]. Ушбу усул бюджет ҳисобидан харажатларни амалга оширишдан кўра самаралироқдир.

Давлатнинг уй-жой қурилиши дастури қурилиш индустриясини Сингапурнинг иқтисодий ривожланиши генераторига айлантирди. Айнан кўп қаватли уй-жой массивларининг қурилиши хусусий қурилиш фирмаларига «меҳмонхоналар қурилиши буми»га қўшилиш имконини берди. Бунинг натижасида ҳозирда Сингапур йилига 7 миллионга яқин сайёҳларни қабул қила олади. Бу кўрсаткич эса шаҳар-давлат аҳолисидан икки баробар кўпдир.

Фуқароларнинг уй-жой шароитини яхшилаш билан бирга Сингапур раҳбарияти юқори технологиялар соҳасида инновацион сиёсатни олиб борди. «ИТ-режа» Ли Куан Ю ташаббуси билан 1980 йилда қабул қилинган. Ушбу режа Сингапурни комплекс компьютерлаштириш учун ахборот технологияларини ривож-

[1] http://expert.ru/kazakhstan/2004/13/13kaktema_58071/

лантиришда давлат дастури сифатида амалга оширилди.

ИТ-режани амалга ошириш мақсадида ҳукумат бир нечта қатъий ва мажбурий чора-тадбирларни қўллаган. Ли Куан Ю маъмурияти мажбурий равишда минимал иш ҳақини кўтарди. Бундан мақсад, меҳнат сиғими юқори бўлган ишлаб чиқаришларнинг эгаларини банкрот қилиб, юқори технологияли, фан сиғими юқори бўлган маҳсулотларга урғу бериш эди. Бу билан Сингапур жар ёқасига келиб, ёки иқтисодий ҳалокат ёки иқтисодий юксалиш йўлини танлаши зарур эди.

«ИТ-режа» уч стратегик вазифани ечишни назарда тутади. Биринчидан, таълим тизимига катта ҳажмдаги инвестициялар ёрдамида Сингапурда 100 фоиз компьютер саводхонлигига эришиш. Иккинчидан, давлат секторини тўлиқ компьютерлаштириб, хусусий секторга намуна кўрсатиш. Учинчидан, компьютер техникаси ишлаб чиқарувчи рақобатбардош саноатни яратиш[1].

Шундай қилиб, асосий урғу инсон омили ва оммавий компьютерлаштиришга қаратилган эди. Бу борада Сингапур инновацион сиёсатининг архитектори Филипп Йо қизиқарли бир фикр айтган: «... Инновациялар – бу дабдаба эмас, балки заруратдир. Биз доимо экспортга йўналтирилган эдик, чунки бизда ички бозор деярли йўқдир. Бизда ҳеч қандай табиий ресурслар йўқ, шу сабабдан бизнинг бойлигимиз – бу, инсон, ақл. Буюк Британиядан мустақилликка эришишдан олдин биз халқаро савдо нуқтаи назаридан қулай географик жойлашувга эгалигимиз эвазига жон сақлар эдик, кейинчалик 1970-йиллар ўрталаридан иқтисодиётни фаол индустрлаштиришни бошладик. Биз ҳозирги кунда бошқа мамлакатлар учун маҳсулот ишлаб чиқармоқдамиз.

Сингапур соф экспортининг йиллик ҳажми бундай кичик мамлакат учун жуда катта ҳисобланади, яъни у 200 миллиард АҚШ долларига яқин маблағни ташкил этади. Аммо, шу билан бирга, ишлаб чиқаришнинг улуши 20 фоизни ташкил этади. Шу сабабдан, бизнинг асосий муаммоларимиз фақатгина ишлаб чиқариш таркиблари билан боғлиқ эмас»[2].

2010 йилда Сингапурнинг ЯИМ Сотиб олиш қобилияти паритети (СҚП) билан қайта ҳисобланганда 291,9 миллиард АҚШ долларни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич бўйича мамлакат жаҳонда 41-ўринни эгаллади. Аҳоли жон бошига ЯИМ СҚП билан ҳисобланганда 62100 АҚШ долларни ташкил этиб, Сингапур ушбу кўрсаткич бўйича жаҳон рейтингида бешинчи ўринни эгаллади. ЯИМда энг катта – 71,7 фоиз улуш хизмат кўрсатиш соҳасига, 28,3 фоиз улуш эса саноатга тўғри келади. Мамлакатда балиқчиликдан ташқари, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари деярли йўқдир.

2010 йилда мамлакатда ишсизлик даражаси 2,2 фоизни ташкил этиб, Сингапур бу кўрсаткич бўйича жаҳонда 17-ўринни эгаллади. Син-

[1] «Российская газета», 2011 йил 10 февраль. №28 (5404).

[2] http://expert.ru/expert/2011/46/vorovstvo--prekrasnaya-strategiya.

**1-жадвал. Сингапурнинг реал ЯИМ ҳажми, млрд АҚШ долларида**

| Йил | Миқдор |
|---|---|
| 2002 | 90,6 |
| 2003 | 96,0 |
| 2004 | 112,7 |
| 2005 | 125,4 |
| 2006 | 145,3 |
| 2007 | 177,3 |
| 2008 | 189,4 |
| 2009 | 183,3 |
| 2010 | 222,7 |
| 2011 | 266,5 |

Манба: CIA World Factbook.

гапурда Джини индекси[1] 2009 йилда 47,8 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич бўйича жаҳонда 28-ўринни эгаллади.

Мамлакатнинг ташқи қарзи ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2011 йилда 21,82 миллиард АҚШ долларига тенг бўлди (жаҳонда 74-ўрин) ёки ЯИМнинг 9,8 фоизини ташкил этди. Охирги йилларда мамлакатнинг савдо баланси ижобий натижани кўсатмоқда[2].

Филипп Йонинг фикрича, Сингапурнинг экспортга йўналтирилган иқтисодиёти шароитида инновацияларнинг устуворликларини қайта кўриб чиқиш керак: «Менинг ғоям шундан иборатки, инновациялар маҳсулотлар ва ишланмалардан эмас, айнан одамлардан юзага келади. Биз инновацияларни эмас, одамларни инвестициялаймиз. Инновацияларни одамлар яратади. Бизларнинг турли молиялаштириш жамғармаларимиз ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлайдиган давлат агентликлари – бу, фақатгина янада муҳим мақсадга эришиш воситасидир, холос. Буларнинг ҳаммаси ўз фаолиятини бошламоқчи бўлган одамларни қўллаб-қувватлаш учун хизмат қилади»[3].

Умуман олганда, юқорида қайд этилган муаммоларга қарамасдан, Сингапур етарли даражада тез ривожланиб бормоқда. 2004–2008 йиллар оралиғида ЯИМнинг йилига ўртача ўсиши 6,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози натижасида 2,1 фоизгача пасайди. Мамлакат иқтисодиёти 2010 йилга келиб барқарорлаша бошлади. Сингапурни фармацевтика ва тиббиёт ускуналари ишлаб чиқаришга катта ҳажмдаги инвестицияларни жалб этаётганлигини ҳисобга олиб, ҳукумат мамлакатнинг Жануби-Шарқий Осиёда молиявий ва юқори технология марказига айланиши стратегиясини ривожлантирмоқда. Ундан ташқари, мамлакатда электроника (Flextronics компанияси), кемасозлик, молиявий хизматлар секторлари ҳам яхши ривожланган. Singapore Airlines авиакомпанияси,

[1] Уй хўжаликлари даромадлари тақсимланиши кўрсаткичи.

[2] http://www.mk-kz.kz/article/2012/09/10/746374-singapurizatsiyakazahstana. html.

[3] Ўша ерда.

Swissotel меҳмонхоналар халқаро тармоғига эга бўлган Fairmont Raffles Hotels International Сингапур холдинги жаҳондаги машҳур холдинглардан ҳисобланади.

Мамлакат CD узаткичларини ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринни эгаллайди. Шу билан бирга, биотехнология соҳасида истиқболли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Биотехнология соҳасида жаҳонда етакчиликка эришиш бўйича ноёб лойиҳани амалга ошириш мақсадида оролнинг жанубий-ғарбий қисмида фан ва техниканинг охирги ютуқларига асосланган ҳолда «Биополис» илмий-тадқиқот маркази қурилди. Ушбу марказ ўта замонавий дизайнга эга еттита бинога эга бўлиб, улар биридан-бирига ўтиш галереялари билан боғланган. Аввалига илмий-тадқиқот маркази Сингапур миллий университетининг бир бўлими сифатида ташкил этилган, кейинчалик у Фан, технологиялар ва тадқиқотлар бўйича Агентлик таркибига кирди. Биотехнология соҳасидаги етакчи илмий тадқиқотлар жуда қимматбаҳо ҳисобланади. АҚШда барча тадқиқотлар грант маблағлари ҳисобига ўтказилгани учун мураккаб танлов жараёнидан ўтиш керак, харажатлар катта бўлганда эса тадқиқотни бир нечта қисмга бўлиб, турли грантларга буюртма бериш зарурати туғилади. Сингапурда тадқиқотларни молиялаштириш давлат бюджети ҳисобига амалга оширилиб, бу ҳол ажратилган маблағлар доирасида маълум бир афзалликларга эгадир.

Сингапурда биотиббиётни ривожлантиришнинг асоси сифатида лойиҳалаштирилган «Биополис» илмий-тадқиқот маркази олимларни, давлат ва хусусий компанияларни бирлаштиради. Бу марказда биотехнология фани соҳасига оид етакчи олимларнинг ўзаро биргаликда фаолият юритишлари имкониятининг мавжудлиги муҳим омил ҳисобланади. Марказ қурилишини бошлаш тўғрисидаги фармойиш 2001 йилнинг апрель ойида берилган. «Биополис»нинг биринчи комплекси расмий равишда 2003 йилда очилди ҳамда 2000 кишидан ортиқ тадқиқотчи ва олимлар у ерга ишга қабул қилинди. Ҳозирда марказ еттита алоҳида комплекслардан иборат бўлиб, булар: Молекуляр ва ҳужайра биологияси институти (Proteos), Биоинженерия ва нанотехнологиялар институти (Nanos), Геномика институти (Genome), Биоинформатика институти (Matrix), Биотехнологик жараёнлар ва аппаратлар институти (Centros) ҳамда иккита бино ижарачи-хусусий компаниялар (Chromos ва Helios)га тегишлидир. Биринчи беш институт давлат ташкилоти ҳисобланади. Иккинчи комплекс 2006 йилда очилган. У 37 минг м$^2$ майдонни эгаллайди. «Биополис»нинг учинчи комплекси, асосан, трансляцион тиббиёт ва клиник тадқиқотлар соҳасидаги тадқиқотларни олиб боришга мўлжалланган бўлиб, улар «Биополис»нинг биринчи комплексида амалга оширилаётган тадқиқотларни тўлдириб боришга йўналтирилган[1].

[1] http://rs-trust.ru/blog/singapore/Singapur_Aziatskaya_Shvejcariya/

Сингапур иқтисодиётининг устунликларига қулай инвестицион муҳит, рақобатга эга бозор, иқтисодий эркинлик, таълим, компьютердан саводхонлиги ва интизомли аҳоли рейтингларидаги юқори ўринлар, аҳоли турмуш даражасининг юқорилигини киритиш мумкин. Ўз навбатида, заиф томонларига озиқ-овқат ва энергия импортига тобелик, иқтисодий моделнинг экспортга йўналтирилганлиги, малакали мутахассисларнинг етишмаслигини киритиш мумкин. Бу шароитда Сингапур ҳукумати томонидан хорижга тобеликдан босқичма-босқич озод бўлишга ва ривожланган мамлакатлар учун "йиғиш цехи" мамлакатини ўтовчи имиджни енгиб ўтишга қаратилган сиёсат амалга оширилмоқда. Мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун ўз маҳсулотлари ва хизматларини яратиш, инновацияларни жорий этиш керак. Шу сабабдан, 1991 йилда Иқтисодий ривожланиш бўйича кенгаш (ИРК) Фан ва технологиялар бўйича махсус миллий кенгашни ташкил этиш бўйича қарор қабул қилди. Мамлакатнинг асосий даромади янги ғоялар орқали таъминланган учун ҳукумат инновацион ғоя ва лойиҳаларни жадаллаштиришга интилди. Бунда ўз ғояларини келажакда тижоратлаштиришга урғу берилди. Шу сабабдан, 1990-йилларда Иқтисодий ривожланиш бўйича кенгаш (ИРК) Фан ва технологиялар бўйича махсус миллий кенгаш билан ҳамкорликда Сингапур илмий-тадқиқот муассасаларида ишлаб чиқилган ғоялар асосида яратилган маҳсулотлар ва хизматларга йирик инвестицияларни йўналтирди.

Шуни таъкидлаш керакки, Сингапурда ҳукумат томонидан қатъий жамоат интизоми, мамлакатда тартиб ва жиноятчиликни шафқатсиз равишда бостириш эвазига иқтисодий модернизациялаш ва инновацион ривожланиш амалга оширилди.

Гап шундаки, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари анъанавий равишдаги клан (уруғ)ларнинг горизонтал боғлиқлиги, юқори даражадаги коррупция ва уюшган жиноятчиликнинг (олдинги даврларда кўпинча альтернатив ҳукумат вазифасини ҳам бажарган) кенг таъсири билан ажралиб туради. Ушбу ҳолатларнинг барчасини эътиборга олиб, Ли Куан Ю ҳукумати хитой легистлари[1] каби жазолаш чораларидан фойдаланди. Бернар Вербер ўзининг «Нисбий ва абсолют билим энциклопедияси» номли китобида замонавий Сингапурнинг ижтимоий маиший ҳолатини тавсифлаб қуйидаги фикрларни билдирган: «Ли Куан Ю ўзининг майда электрон чиплари ўртасида тартиб бўлишини хоҳлайди. У бир томонда туристик шаҳар барпо этади, бошқа томонда

[1] Легизм ёки "қонунчилик мактаби" милоддан аввалги 4–3 асрларда шаклланган давлат ва жамиятни тоталитар-мустабид бошқаришнинг назарий асоси ҳисобланади, Хитойдаги биринчи марказлаштирилган Цинь империясининг (милоддан аввалги 221–207 аср) ягона расмий ғояси ҳисобланган.

иқтисодий, сўнгра эса дортуар-шаҳар[1] яратади.

Уч шаҳар бир-биридан беш километр кенгликка эга газондан иборат чегаралар билан ажратилган. Унда жуда қатъий қонунлар амал қилади: ерга туфлаш мумкин эмас (жарима 1500 франк); жамоат жойларида чекиш мумкин эмас (жарима 1500 франк); ишлатилган қоғозларни ташлаш мумкин эмас (жарима 1500 франк); гулларга сув қуйганда туваклар остидаги тарелкаларда сув қолдириш мумкин эмас (чивинларни ўзига жалб этади, жарима 1500 франк); шаҳар марказида машинани парковка қилиш ман этилади.

Бутун мамлакат бўйлаб хушбўй ҳид уфуриб туради. Агар кечаси ит акилласа, унинг товуш пайчаларини кесиб ташлашади. Мамлакат тартибига кўра об-ҳаво иссиқ бўлганда ҳам мамлакат эркаклари доимо шим кийиб юришлари керак, аёллари эса доимо чулки кийиб юришлари шарт. Барча автомобиллар кучли овоз чиқарадиган сиреналар билан жиҳозланган бўлиб, автомобиль тезлиги 80 км/соатдан ошса, сирена ишлаб кетади. Кеч соат 18 дан кейин автомобиль эгаси ўз автомобилида бир ўзи юриши мумкин эмас, касбдошлари ёки бошқа йўловчиларни олиб юриши лозим, бу автомобиль йўлларидаги тирбандлик ва машиналарнинг атроф-муҳитга кўплаб газ чиқаришининг олдини олишга ёрдам беради (акс ҳолда, 1500 франк жарима тўланади). Сингапур полицияси сингапурликларни ўз автомобиллари тагига электрон датчик ўрнатишга мажбур қилади, натижада фуқаролар барча машиналар маршрутларидан хабардор бўладилар. Уйга кириб келганда фуқаро эшик олдида доимо навбатчилик қилаётган қоровулга ўз фамилиясини айтиши керак. Бутун шаҳар бўйлаб видеокамералар ўрнатилгандир»[2].

Ички сиёсий қоидалар ҳам жуда қатъий равишда ўрнатилган: «Сингапур – демократик давлат, аммо фуқароларнинг сайловда овоз беришларини назорат қилиш учун сайлов бюллетенида сайловчи карточкасининг номери кўрсатилади. Ўғрилик, зўрлаш, наркотиклар, коррупция учун ўлим жазоси (осиш орқали) белгиланган. Ҳозирги кунга қадар қамчи билан савалаб жазолаш қўлланиларди. Ли Куан Ю ўзини барча фуқароларнинг отаси деб ҳисоблайди. У мамлакатни бошқаришда ҳам коммунистлар, ҳам капиталистлар ғояларидан фойдаланган, энг муҳими – ғоя самарали бўлса етарли.

Давлат шахсий бойлик орттиришни рағбатлантиради (сингапурликлар турмуш даражаси бўйича Осиёда Япониядан сўнг иккинчи ўринни эгаллайдилар, ундан ташқари фуқароларнинг биржада савдо қилиши одат тусини олган). Бу вақтнинг ўзида, шундай бой мамлакатда талабаларга ётоқхона бепул берилади. Мамлакатда барча

[1] Шаҳарнинг аҳоли истиқомат қиладиган ҳудуди (ётоқ ҳудуди).

[2] Вербер Б. Энциклопедия относительного и абсолютного знания. – М., 2009. С. 96.

динлар рухсат этилган, аммо матбуот қаттиқ цензура остида: ҳеч қандай газета сиёсат ва шу каби мавзуда ҳеч нима ёза олмайди»[1].

Сингапурдаги бундай чекловлар ва қатъий сиёсатнинг Европа ва АҚШ мамлакатларида қўлланилишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Сингапур аҳолисининг асосий қисми хитойликлардан иборат эканлигини ва уларнинг менталитети бундай чеклов ва сиёсатга мослаша олишини эътиборга олиб, мамлакатда инновацион ислоҳотларни амалга ошириш учун қатъий «форматланган» ижтимоий асос яратиб, зарур бўлган самарага эришиш мумкин.

Ҳозирги вақтда Сингапур коррупция даражасининг пастлиги, иқтисодий эркинлик ва ривожланиш даражасининг юқорилиги бўйича жаҳон рейтингларида етакчи ўринларни эгаллайди[2]. Мамлакатда деярли ишсизлик йўқ. Лекин, шу билан бирга, тартиб ва турмуш фаровонлигини асосий қадрият деб билган мамлакат фуқароларидан ташқари, халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари ҳам Сингапур раҳбариятини эркинликни чеклагани учун айбламоқдалар. Танқидчилар Сингапурни деярли бир партияли мамлакат деб, «Халқ ҳаракати» партиясининг ўз сиёсий рақибларини сиқиштиришда айблайдилар (шу билан бирга, парламентда шунингдек Ишчи партия ва Сингапур демократик альянси партиялари ҳам фаолият юритади). «Чегарасиз репортёрлар» халқаро ташкилоти эса матбуот эркинлиги индексида Сингапурни 135-чи ўринга қўйган[3].

Жануби-Шарқий Осиёнинг етакчи мамлакатлари эришаётган катта ютуқлари билан бирга, уларнинг инновацион тараққиётидаги истиқболлари борасида маълум бир ишончсизликлар мавжуд. Бу борада Гарвард университети профессори, иқтисодчи Дени Родрикнинг фикри алоҳида эътиборга молик. Унинг фикрича, бу мамлакатлар ҳозирги даврда ўз тараққиёти чўққисига яқин турибдилар. Бу ҳолатни Родрик қуйидагича асослайди: Сингапур ва Жанубий Кореянинг кескин равишда ўсиши жадаллашган индустрлаштириш ва ишчи кучини қишлоқ жойлардан саноат ишлаб чиқариш жойларига жалб қилиши ҳамда хорижнинг етакчи технологияларидан андоза олиши билан боғлиқ. Етакчи технологиялардан андоза олиш технологик узилишларни қисқартиради (масалан, қайта ишлаш саноатида йилига 3 фоизгача). Шу билан бирга, ушбу чоралар узоқ муддат давомида инновацион динамикани таъминлаш учун етарли эмасдир. Чунки ушбу давлатлар доимий равишда инсон капиталига ва институтларни ривожлантиришга инвестицияларни амалга ошира олмайдилар. Натижада, индустрлаштириш эвазига эришилган ўсиш яқин келажакда секинлашиши (ёки тўхташи) муқаррардир[4]. Родрик Ҳиндистонни мисол тариқасида келтиради. Ўз вақтида бу мамлакат ишлаб

[1] Ўша ерда. С. 100.

[2] Сиротин А. Борьба с коррупцией в Сингапуре. http://center.sudanet.ru/? tag=сингапур.

[3] http://en.rsf.org/press-freedom-index-2011-2012,1043.html.

[4] http://www.interfax.ru/business/txt.asp?id=261011.

чиқаришни эмас, балки хизматларни ривожлантиришга урғу берган. Натижада ҳозирги вақтда Ҳиндистоннинг кол-марказлари (call centre)[1] ва дастурловчилари бутун жаҳонга машҳурдир. Аммо иқтисодиётни бундай локал секторлар ёрдамида ривожлантириш Ҳиндистоннинг барча аҳолисини иш ўринлари билан таъминлай олмайди, бунга яна бир сабаб – барча фуқароларнинг кўникмалари ва маълумотлари етарли эмаслигидир[2].

Сингапур ва Жанубий Корея тараққиётини чеклаб турувчи яна бир омил бу жаҳонда рақобатнинг қатъийлашиб боришидир. Бир томондан, уларга бутун Осиё-Тинч океани ҳудудини ўзига бўйсундирмоқчи бўлган иқтисодий жиҳатдан бақувват Хитой хавф солса, иккинчи томондан, Ғарб мамлакатлари хавф солади. Аслида, Ғарб мамлакатлари "йўлбарслар"нинг жадал ривожланишига тўсқинлиқ қилмасдан, уларни кузатиб туришибди. Хусусан, АҚШ ва европаликлар ривожланиб бораётган Шарқий Осиё мамлакатларига ғарб технологияларини сотиб олишга ва кўпчилик ҳолларда ноқонуний бўлган рақобат стратегияларини (субсидиялар, валюта курсини пасайтириш ва бошқ.) сотиб олишга тўсиқлик қилишмади. Шу билан бирга ғарб мамлакатлари бозорлари улар учун экспортга очиқ эди. Аммо 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари рақобатчиларга нисбатан бундай кўнгилчанликка имкон қолдирмади. Экспорт ва саноат ишлаб чиқариши бўйича олинган маълумотлар 2012 йилдан бошлаб Евроҳудуд ва АҚШдаги рецессия натижасида Жануби-Шарқий Осиё минтақаси зарар кўраётганлигини акс эттирмоқда. Шу сабабдан, Хитой, Тайвань, Япония ва Жанубий Корея иқтисодиётлари ўсиши суръатлари пасаймоқда. Осиё мамлакатлари иқтисодиёти суст кўрсаткичларининг асосий сабаби деб мутахассислар Европа ва Америкада талабнинг қисқаришини кўрсатмоқдалар, чунки бу Осиё давлатлари экспортининг асосий улуши ушбу минтақаларга тўғри келар эди. Таҳлиларнинг кўрсатишича, жаҳон иқтисодиётида қулай шарт-шароитнинг тикланиши узоқ даврни ўз ичига олиши мумкин, бу эса экспортга тобе бўлган «Осиё йўлбарслари»га мураккаблик туғдиришини англатади[3].

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатда инновацион тараққиётни амалга ошириш учун турли мамлакатларнинг ижобий тажрибалари сингдирилган миллий инновацион тизимни яратиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу тизимни шакллантиришда бошқа моделлардан кўр-кўрона кўчириш эмас, балки менталитет, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси, географик жойлашув, асрлар давомида ўрнатилган ҳамкорликлар, мамлакатнинг салоҳияти эътиборга олиниши зарурдир.

[1] call centre – овоз алоқаси каналлари орқали буюртмачи ташкилот ёки бош офислар томонидан келиб тушган сўровномаларни қайта ишлаш ва улар бўйича ахборотлар берувчи ташкилот.

[2] http://www.interfax.ru/business/txt.asp?id=261011.

[3] «Деловой Петербург», 2012 йил 1 август.

## Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-ж. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.

2. Вербер Б. Энциклопедия относительного и абсолютного знания. – М., 2009. С. 96.

3. "Деловой Петербург", 2012 йил 1 август.

4. «Российская газета», 2011 йил 10 февраль. № 28 (5404).

5. Сиротин А. Борьба с коррупцией в Сингапуре. http://center. sudanet.ru/? tag=сингапур.

6. http://bizzone.info/articles/1344631928.php

7. http://en.rsf.org/press-freedom-index-2011-2012,1043.html

8. http://expert.ru/expert/2011/46/vorovstvo--prekrasnaya-strategiya.

9. http://expert.ru/kazakhstan/2004/13/13ka-ktema_58071

10. http://kborovoi.livejournal.com/364678.html

11. http://rs-trust.ru/blog/singapore/Singapur_Aziatskaya_Shvejcariya

12. http://www.interfax.ru/business/txt.asp?id=261011

13. http://www.mk-kz.kz/article/2012/09/10/746374-singapurizatsiyakazahstana. html

**Кадыров А.М.,**
доктор экономических наук, профессор;
**Севликянц С.Г.,**
кандидат экономических наук, доцент,
ведущий научный сотрудник НИЦ
Научные основы и проблемы развития
экономики Узбекистана

# ФОРМЫ И МЕТОДЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОДДЕРЖКИ РАЗВИТИЯ СЕКТОРА ИКТ

***На современном этапе модель развития экономики и качество экономического роста определяются, прежде всего, приоритетами государства в области наукоемких отраслей и высоких технологий, катализатором развития которых, послужила смена технологических укладов, произошедшая на рубеже XX–XXI веков.***

Одновременно со стремительным развитием пятого технологического уклада, основанного на развитии информационных услуг, вычислительной техники и телекоммуникаций, происходит зарождение шестого технологического уклада, базирующегося на инновациях в области биотехнологии, искусственного интеллекта и космической техники.

В этих условиях развитие сектора информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) следует рассматривать с двух точек зрения. С одной стороны – как фактор развития экономики страны в целом, с другой стороны – как процесс, непосредственно зависящий от экономической политики государства. Такой подход обусловлен масштабом внедрения ИКТ в бизнес-процессы организаций, в механизмы государственного управления и повседневную жизнь людей.

Практика становления информационной экономики убедительно показывает, что за последние 15-20 лет в большинстве промышленно развитых стран особые усилия государства были направлены на поддержку и развитие информационного потенциала.

Выступая на расширенном заседании Кабинета Министров 18 января 2014 года, Президент Ислам Каримов подчеркнул важность ускоренной реализации мер и проектов в сфере

информационно-коммуникационных и телекоммуникационных технологий. В частности, была отмечена необходимость в кратчайшее время не только устранить существующее отставание по оказанию интерактивных информационных услуг, но и выйти в разряд передовых стран с высоким уровнем внедрения информационно-коммуникационных технологий[1].

24 января 2014 года состоялось заседание Коллегии Государственного комитета связи, информатизации и телекоммуникационных технологий, посвященное итогам работы отрасли за 2013 год, и темпам внедрения и развития информационно-коммуникационных технологий, определению перспектив и направлениям дальнейшей деятельности. На заседании было отмечено, что в 2013 году рост предоставленных услуг предприятиями отрасли составил 22,0%, в том числе рост услуг предоставленных населению составил 21%[2].

В рамках проектов по резервированию и расширению магистральных, зональных и местных сетей, а также модернизации абонентских сетей на основе архитектуры FTTx[3] были построены оптические линии связи общей протяженностью 2100 км[4].

В целях расширения сети широкополосной передачи данных было установлено устройство, способное обеспечивать 128 тысяч широкополосных соединений одновременно. Общее количество портов, установленных для оказания услуг фиксированного широкополосного доступа к сети Интернет (в том числе по технологиям FTTx и xDSL[5]), доведено до 575 тысяч (на начало года было 378 тысяч)[6].

В стране продолжается поэтапный переход на цифровое телевидение, который должен завершиться до конца 2017 года. В настоящее время уровень охвата населения цифровым телевидением доведен до 45% (на конец 2012 года этот показатель составлял 42%)[7].

Большое внимание уделяется внедрению системы «Электронное правительство» и развитию электронных технологий в целом. Так, только за прошлый год было принято 9 постановлений Президента Республики Узбекистан, 18 правительственных решений и более 40 отраслевых нормативно-правовых актов, касающихся сферы ИКТ.

Так, например, 1 июля 2013 г. запущен Единый портал интерактивных государственных услуг, через который к настоящему времени отправлено в государственные органы и хокимияты более 5,8 тыс. обращений граждан и юридических лиц, иными словами,

[1] Каримов И.А. Доклад Президента РУз на заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2013 г. и важнейшим приоритетам экономической программы на 2014 г./ «Народное слово» от 21 января 2014 г.

[2] infocom.uz 2014/01/24

[3] Виды кабельного подключения к сети Интернет.

[4] infocom.uz 2014/01/24

[5] Виды кабельного подключения к сети Интернет.

[6] infocom.uz 2014/01/24...

[7] Там же.

создан механизм централизованного мониторинга и анализа состояния и качества предоставляемых интерактивных услуг, оказываемых через Единый портал[1].

20 сентября 2013 года принято Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему усилению стимулирования отечественных разработчиков программного обеспечения» № ПП–2042. Объем услуг в сфере программных продуктов вырос по сравнению с началом прошлого года до 130,4%.

Под конец года, 31 декабря 2013 года принято Постановление Кабинета Министров «О мерах по внедрению системы оценки состояния развития информационно-коммуникационных технологий в Республике Узбекистан».

Документом утверждена структура рейтинговой оценки состояния внедрения информационно-коммуникационных технологий в государственных организациях, схема проведения рейтинговой оценки, а также новые требования к официальным веб-сайтам органов государственного и хозяйственного управления, государственной власти на местах.

Утверждаемая система рейтинговой оценки внедрения ИКТ устанавливает новые, более жесткие требования к официальному веб-сайту, предоставлению интерактивных государственных услуг, ведомственным информационным системам и ресурсам, а также обеспечению информационной безопасности.

Все это наглядно показывает о большой заинтересованности государства в деле развития сектора ИКТ, и выработки соответственной политики, а именно:

- создание правовой базы для успешного развития и функционирования сектора;

- оформление продукции информатизации как товарного продукта с учетом требований мирового рынка;

- инвентаризация продукции информатизации, оценка ее стоимости, государственный протекционизм и поддержка отечественных предприятий, производящих средства информатизации, информационные продукты и услуги через механизмы кредитно-финансовой, налоговой, тарифной и таможенной политики;

- усиление регулирующего воздействия государства в области лицензирования и сертификации продуктов и услуг;

- создание условий для привлечения стратегических инвесторов в развитие ИКТ.

Исходя из этих условий, в нашей стране, основными направлениями государственной политики в области ИКТ стали:

1. Снижение административных барьеров, включающие в себя:

- сокращение объектов лицензирования и обязательной сертификации и регистрации, сокращение прямых и косвенных издержек прохождения соответствующих процедур;

[1] Там же

- введение правовых механизмов, предусматривающих регулярную оценку эффективности действующих норм регулирования и их соответствующий пересмотр, а также – формализованную оценку эффективности вновь принимаемых норм регулирования с точки зрения их социально-экономической эффективности, (включая минимизацию издержек их соблюдения для бизнеса).

2. Учет при выработке политики проведения госзакупок и необходимости формирования эффективных стимулов для роста конкурентоспособности отечественного сектора ИКТ (там, где это не противоречит задачам минимизации бюджетных расходов), в том числе:

- обеспечение прозрачных, конкурентных условий тендеров;

- повышение требовательности к уровню технической сложности товаров и услуг для государственных нужд, включая оборонный комплекс;

- широкое использование программного обеспечения с «открытой» лицензией, стимулирующее развитие внутренних сервисных услуг сопровождения и модернизации «бесплатного» программного обеспечения в противоположность массовым закупкам преимущественно иностранного программного обеспечения.

3. Демонополизация сектора ИКТ, предполагающая обеспечение свободной конкуренции на рынке, в том числе, за счет активизации мер антимонопольного регулирования.

Так, как, развитие данного сектора способствовало массовому появлению информационных продуктов и услуг, то, это, в свою очередь, привело к формированию информационного рынка. И сейчас в составе, как мирового, так и отечественного информационного рынка можно выделить следующие сектора:

- рынок информационных и коммуникационных технологий;

- рынок информационных продуктов и услуг;

- рынок программных продуктов;

- рынок телекоммуникаций и средств связи;

- рынок средств информатизации.

Указанная структура информационного рынка полностью соответствует видам деятельности, включаемым в сектор ИКТ в соответствии с международными нормами и правилами.

Мировой ИКТ – сектор зародился примерно четверть века назад и в исторически короткий период пережил триединую революцию – технологическую, регуляторную и организационно-структурную, демонстрируя высокий динамизм и эффективность и внося крупный вклад в становление и эволюцию постиндустриальной, информационной экономики. Опираясь на непрерывный поток инноваций, ИКТ-сектор к настоящему времени вырос в крупнейший сегмент мирового хозяйства: его продукция составляет 6,0% мирового ВВП (€3,2 трлн.), занятость – 6–8% общей численности активного населения, инвестиции – 14–20% стоимости про-

**Рис. 1. Темпы роста мирового рынка ИКТ и ВВП; эволюция вклада в мировой ВВП**[1]




дукции, рентабельность производства варьируется в отдельных сегментах от 16 до 45%. В будущем его динамика замедляется: в последнее десятилетие по среднегодовому индексу прироста сегмент ИКТ приблизился к мировому ВВП; стабилизируется и его продуктовая структура (рис. 1).

В настоящее время рынок ИКТ является одним из наиболее динамичных и емких секторов мирового хозяйства, что привело к усилению международной конкуренции в этой области и побудило многие страны к увеличению затрат на НИОКР, инновации и продвижение продукции для обеспечения лидерства в глобальной индустрии ИКТ .

Показательно, что, несмотря на произошедший экономический кризис, передовые государства не экономят на науке. Сегодня можно сказать, что мир строит свое будущее на платформе инфо-коммуникационных технологий. Мировые затраты на НИР в ИКТ в 2012 году приблизились к 300 миллиардам долларов США. Творческий потенциал такого сектора растет и по масштабам, и по результативности. Ее ориентировочные контуры: 6,5% мирового ИКТ-продукта; среднегодовой рост за последние пять лет – 6,7% (рис. 2).

В странах ОЭСР расходы на НИР в ИКТ в 2,5 раза больше, чем в автомобильной промышленности, и втрое больше, чем в фармацевтике. Однако пока только США могут позволить себе проводить такой объем научных исследований в рассматриваемой области. Европейские государства следуют за лидером и запускают рамочные программы поддержки на всех прорывных направлениях прогресса. В группу лидеров по пионерным разработкам, помимо Великобритании,

[1] DigiWorld Yearbook: The challenges of the digital world, IDATE – 2012, WITSA, OECD, EU, EITO – 2010–2012.

**Рис. 2. Динамика роста затрат на НИР: мир и США[1]**




Германии и Франции, входят Скандинавские страны и Израиль.

В данном контексте необходимо отметить стремительный прорыв в эту сферу и высокую инновационную активность ряда новых стран – Кореи, Ирландии, Финляндии, Индии [2] и др. Секрет их успеха объясняется тремя ключевыми факторами:

- целенаправленной политикой государства;

- эффективным взаимодействием с бизнесом;

- долгосрочными и крупными вложениями в науку, инновации и образование.

Здесь, необходимо отметить, что, в каждой стране научные исследования и разработки имеют свои структурные особенности и пользуются той или иной степенью поддержки со стороны правительства.

Так, к примеру, особенно распространена в рассматриваемом секторе ИКТ практика беспроцентных кредитов, возвратность которых обеспечивается за счет эффекта, получаемого от коммерческого освоения продукта. Абсолютный лидер на мировой научной площадке ИКТ – США, хотя за последние семь лет затраты на НИР здесь увеличивались незначительно (около 0,9% в год), а также наблюдается явное смещение акцентов финансирования в сторону прикладных исследований и быстроокупаемых проектов. В течение 35 лет американское правительство было главным спонсором фундаментальных исследований[3].

[1] Global R&D Funding Forecast, 2010–2013. www.rdmag.com December 2013.

[2] Шульцева В. IT-News № 09/2013 (27.05), IT Weekly № 21/2013 (27.05).

[3] Шульцева В. IT-News № 09/2013 (27.05), IT Weekly № 21/2013 (27.05)

Очень важной является и регулятивная роль государства: обеспечение, с одной стороны, приемлемого для частного бизнеса уровня прибыли для скорейшей окупаемости инвестиций, с другой – достаточно низких цен с целью поддержания спроса населения на соответствующие услуги.

Все множество форм и методов государственной поддержки развития сектора ИКТ, реализуемых сегодня в промышленно развитых странах, можно объединить в три основные группы.

К первой из них относятся формы, методы и механизмы, обеспечивающие прямое участие государства в производстве знаний, которое реализуется через формирование государственных научных структур (например, в форме государственных лабораторий, институтов и т.д.) и их прямое бюджетное финансирование. В эту же группу можно отнести и бюджетное финансирование государственного заказа (или части контракта), размещенного в частном секторе. Применение прямого бюджетного финансирования, как инструмента государственной поддержки сектора ИКТ, в большинстве случаев ограничено сферой традиционной ответственности государства (оборона, энергетика, здравоохранение, сельское хозяйство). А полученные здесь знания и результаты (естественно, за исключением тех, которые связаны с обеспечением обороноспособности страны и ее безопасности) доступны широкому кругу пользователей (степень этой доступности в той или иной стране регламентируется национальным законодательством по интеллектуальной собственности).

Вторая группа форм и методов государственной поддержки развития сектора ИКТ объединяет широкий спектр безвозмездных субсидий и грантов на проведение фундаментальных научных исследований, предоставляемых ученым, работающим как в государственных структурах, так и вне них. Одним из условий их предоставления является полная отчетность о ходе исследования, открытая публикация полученных результатов, хотя права исполнителя на интеллектуальную собственность в этом случае могут регламентироваться по-разному, в зависимости от действующего законодательства.

И, наконец, к третьей группе относятся такие формы и методы, которые направлены на формирование благоприятных условий для частных инвестиций в сферу ИКТ, стимулирование исследований и разработок в частном секторе, его инновационной активности. Ключевым элементом весьма богатого сегодня арсенала форм и методов этой группы являются налоговые льготы.

Одной из особенностей производства продукции в рассматриваемом секторе – высокая доля её финансирования бизнесом. Крупный ИКТ-бизнес на науку выделяет обычно от 5 до 14% годового оборота. Тем не менее, его вклад в бюджет сектора в последнее время снижается, особенно

**Рис. 3. Доля частного финансирования НИР в сфере ИКТ в 2004 и 2011 гг.**[1]




в Германии, Великобритании и США, при усилении практически во всех странах роли государства (рис. 3).

Помимо перечисленных, другими формами и методами государственной поддержки развития сектора ИКТ являются:

· предоставление индивидуальным изобретателям и малым внедренческим предприятиям бесплатных банковских ссуд;

· создание венчурных инновационных фондов, пользующихся значительными налоговыми льготами;

· снижение государственных патентных пошлин для индивидуальных изобретателей;

· отсрочка уплаты патентных пошлин по ресурсосберегающим изобретениям;

· создание сети бизнес-инкубаторов, технопарков и т. п.

В настоящее время складывается ряд благоприятных предпосылок, формирующих потенциал ускоренного роста отечественного сектора ИКТ, связанного как с увеличением спроса на продукцию сектора на внутреннем и внешнем рынках, так и достаточно эффективными конкурентными преимуществами отечественного бизнеса в этой сфере

[1] Federal Communications Commission, UNCTAD, MEDEF International, 2005-2012. www.rdmag.com. December 2013

## Литература:

1. Каримов И.А. Доклад Президента РУз на заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2013 г. и важнейшим приоритетам экономической программы на 2014 г./ «Народное слово» от 21 января 2014 г.

2. infocom.uz›2014/01/24

3. DigiWorld Yearbook: The challenges of the digital world, IDATE – 2012, WITSA, OECD, EU, EITO – 2010–2012.

4. Global R&D Funding Forecast, 2010–2013. www.rdmag.com. December 2013.

5. Шульцева В. IT-News № 09/2013 (27.05), IT Weekly № 21/2013 (27.05).

6. Federal Communications Commission, UNCTAD, MEDEF International, 2005-2012., . www.rdmag.com December 2013.

**Умаров Ф.,**
Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедраси ўқитувчиси

# ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

***Бугунги кунда мамлакатимизга четдан сармоя ва инвестицияларнинг кириб келиши учун қулай ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит ва имтиёзлар яратилишини таъминлаш, хорижий инвесторларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини изчиллик билан ўтказиш, уларни мамлакатнинг рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларидаги фаолиятларини янада такомиллаштириш ўтказилаётган миллий инвестиция сиёсатининг асосий тамойиллари сифатида амал қилмоқда.***

2013 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 13 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2012 йилга нисбатан 11,3 фоизга кўпдир[1].

Жалб этилаётган инвестицияларнинг асосий қисми – 70 фоиздан ортиғи, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш объектларини қуришга йўналтирилди, энг янги замонавий ускуналар харид қилишга сарфланган инвестициялар улуши эса қарийб 40 фоизни ташкил этди. Умуман олганда, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритиш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоиздан иборат бўлди. Ўзлаштирилган умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг 3 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Шунинг 72 фоиздан зиёди ёки 2 миллиард 200

[1] Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2014 йил 18 январь.

миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир[1].

Мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, банк-молия тизимини ривожлантиришни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалалари алоҳида ўрин эгаллайди.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майда қабул қилинган "Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 205-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4059-сонли, 2012 йил 10 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4434-сонли, 2012 йил 13 апрелдаги «Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги ПФ-4436-сонли, 2013 йил 18 мартдаги «Жиззах» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги ПФ-4516-сонли фармонлари, 2010 йил 26 ноябрдаги «2011–2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли қарорида белгиланган вазифаларни ҳал этишга қаратилганлиги муҳим омил бўлиб келмоқда.

Инновацион фаолият соҳасида давлат органлари амалга ошириши лозим бўладиган асосий чора-тадбирлар қаторига аксарият иқтисодчилар, хусусан, В.Фридлянов, Ю.А.Яковец қуйидагиларни киритадилар:

· турли хил илмий изланишларни ва инновацияларни амалга ошириш учун зарур бўладиган маблағларни аккумуляциялаш;

· инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш;

· инновацияларни рағбатлантириш; инновацион соҳада рақобатчиликни кучайтириш; инновацион рискларни суғурталаш; маънавий жиҳатдан эскириб қолган маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган корхоналарга нисбатан давлат томонидан жазо санкцияларини қўллаш;

· инновацион жараёнларнинг нормал кечиши учун зарур ҳуқуқий базани (айниқса, инноваторларнинг муаллифлик ҳуқуқини ва умуман, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоялаш) яратиш;

· инновацион фаолиятнинг меъёрида кечиши учун зарур кадрлар таъминотига аҳамият бериш;

· илмий-инновацион инфратузилмани шакллантириш;

· давлат секторига қарашли барча тармоқлардаги инновацион жараёнларнинг маромида бориши учун зарур институционал шарт-шароитларни яратиш;

· амалга оширилиши мўлжалланган инновацияларнинг ижтимоий ва эко-

[1] Ўша жойда.

логик йўналишда бўлишлигини таъминлаш;

· инновацион фаолиятнинг ижтимоий мавқеини кўтариш;

· инновацион жараёнларни минтақавий миқёсда тартибга солиш;

· инновацион жараёнларнинг халқаро ҳуқуқ соҳасига оид алоҳида томонларини тартибга солиш.

Иқтисодий адабиётларда тадбиркорлик фаолияти икки йўналишга – классик тадбиркорлик ва инновацион тадбиркорликка бўлиб ўрганилади. Инновацион тадбиркорлик ўзига хос йўналишдаги тадбиркорлик ҳисобланади. У бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришни, бу жараённи муттасил такомиллаштириб боришни, рақобатбардош, ўринбосар, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, илғор, меҳнат унумдорлиги юқори, маҳсулотлар таннархи арзонлашувига имкон берувчи технологиялар, техникалар яратилиши ва ишлаб чиқарилишини ташкил этишни таъминлайди.

Инновацион тадбиркорлик ҳозирги шароитда янги инновацион маҳсулотларни сотиш ва сотиб олиш бозорини ташкил этади. Инновация бозор иқтисодиётининг махсус жиҳози бўлиб, унинг натижаси илм-фан ва техника соҳаларидаги янгиликлар, кашфиётлар ҳисобланади. Инновациялаштириш тадбиркорликнинг ўзига хос жиҳатидир. Ҳар бир тадбиркор ўзининг ишлаб чиқариш объектида инновацион тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. Шу билан бирга, махсус инновацион фаолиятда субъектлар, умуман, тадбиркорлик фаолиятининг ҳамма йўналишларига илм-фан ва техника янгиликлари билан ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш усулларини ташкил этиш асосида хизмат қилади.

Фикримизча, инновацион фаолият қуйидаги жараёнларда амалга оширилиши лозим:

· ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган илм-фан ва техника йўналишидаги кашфиёт ва ихтиролар асосида янги инновацион технологияларни ишлаб чиқишда;

· янги инновацион технологияларни ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш асосида бозор талабларига жавоб бера оладиган, рақобатбардош янги инновацион маҳсулотларни яратишда;

· ижтимоий соҳа билан боғлиқ бўлган ижтимоий инновацион маҳсулотларни ёки такомиллашган ижтимоий соҳаларда янги ижтимоий иннова-ционон муҳитни яратишда.

Инновацион маҳсулот эса тадбиркорлик субъектлари томонидан истеъмолчиларга етказиб бериладиган маҳсулот сифатини оширишда, турларини кўпайтиришда ифодаланади. У, ўз навбатида, тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий ҳолатини, инновацион маҳсулотларни истеъмол қилувчилар доирасини кенгайтириш асосида даромадларни ошириб бориш орқали тадбиркорнинг иқтисодий субъект сифатидаги мустақиллигини таъминлайди.

Ижтимоий инновациянинг моҳияти шундаки, у ишлаб чиқариш субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг

такомиллашиб боришига таъсир этади; ишчи ўринларининг кўпайишида, ишлаб чиқариш ходимлари ҳар томонлама етук ходим сифатида фаолият юритишлари учун зарур бўлган ижтимоий инфратузилмаларнинг такомиллашиб боришида ифодаланади.

Ижтимоий инфратузилма ижтимоий, маънавий, маданий, маърифий, илмий ва бошқа фаолият йўналишлари, фуқароларнинг ўзаро муносабатларини бир-бирларига боғлаш ва алоқасини таъминлаш ҳамда ривожлантиришга хизмат кўрсатувчи тармоқлар мажмуидан иборат. Ижтимоий инфратузилма аҳолининг турмуш даражасини белгилайдиган уй-жой қурилиши, соғлиқни сақлаш, таълим, жисмоний тарбия ва спорт, махсус алоқа, транспорт, умумий овқатланиш хизматлари, умуман, аҳолининг ҳар томонлама ривожланишига ижобий таъсир этувчи бошқа соҳаларни ўз ичига олган ва боғловчи тизим сифатида фаолият кўрсатади.

Инновацион инвестициялаш давлатнинг ижтимоий, иқтисодий тараққиёти макро- ва микродаражада ривожланишини таъминловчи асосий омилдир. Инновацион инвестициялаш инновацион жараён амалга оширишнинг молиявий асоси ҳисобланади ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш таркибий тузилмаларининг такомиллашувига таъсир этиш асосида микроиқтисодий барқарорлик шаклланишини ва олинаётган фойданинг кўпайиб боришини таъминлайди.

Инновацион жараённинг ривожланиши унга таъсир этувчи омилларга боғлиқ. Инновацион жараён глобаллашув шароитидаги истеъмол талаблари таъсирида қисқа муддатларда ўз янгиликлари билан тавсифланади. Бу жараён узлуксиз такомиллашган ҳолда амалга ошириб бориладиган турли йўналишлардаги ҳаракатларга асосланади. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида инновация қўйилмаларининг эркин ҳаракатланиши натижасида иқтисодий субъектлар ўртасида эркин рақобат кучайиб боради.

Бизнинг фикримизча, миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун мамлакатимизнинг илмий-техник ва инновацион потенциалини барқарор сақлаш ҳамда ривожлантириш зарур. Бунинг учун қуйидаги йўналишлар бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим бўлади:

· миллий иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида тўпланган илмий-техник потенциални инновацион жараёнлар билан мос равишда реструктуризация қилиш;

· инновацион соҳадаги фаолликни рағбатлантирадиган меъёрий-ҳуқуқий асосни янада такомиллаштириш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 майда қабул қилинган «Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 144-сонли қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур;

· илм-фанни ривожлантириш ва инновацияларни жорий этиш учун алоҳида нодавлат фондини яратиш ва уни, жумладан, қаровсиз ётган, мақсадга мувофиқ фойдаланилмаётган мулклардан самарали фойдала-

нишга қаратилган илмий ғояларни қўллаб-қувватлаётган тадбиркорларга ажратиш;

· қимматбаҳо асбоб-ускуналардан фойдаланиб, инновацион фаолият билан шуғулланадиган субъектларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун лизинг механизмларини жадал ривожлантириш;

· инновацион фаолият кўламларини кенгайтириш учун мазкур соҳада фаолият юритувчи субъектларга банк кредитларидан имтиёзлар тақдим этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг мамлакатимиз миқёсида яратиладиган инновацион лойиҳаларни рўёбга чиқариш билан боғлиқ барча ишларни мувофиқлаштириш, режалаштириш ва бошқаришга қаратилган фаолиятини унинг таркибида мазкур фаолиятни таъминлайдиган минтақавий марказларни очиш орқали янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг зиммасига минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотларнинг ривожланишини мувофиқлаштириш вазифаларини юклаш зарур.

Бизнинг назаримизда, қуйидагилар инновацион фаолият соҳасини давлат миқёсида тартибга солиш воситаларига айлантирилиши мумкин:

· молия, нарх-наво ва пул муомаласини тартибга солиш, такрор ишлаб чиқариш ва ҳоказо соҳаларда амалга ошириладиган давлат сиёсатини юритиш учун асос бўладиган ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник прогнозлар;

· давлатнинг бевосита маъмурий чоралари орқали, билвосита иқтисодий дастаклар билан ёки соф бозор регуляторларини (талаб, таклиф, рақобат механизмларини) қўллаган ҳолда соҳани тартибга солиш;

· давлат миқёсида иқтисодий жараёнларни оптималлаштириш дастурлари, балансларини ва моделларидан инновацион фаолиятни барқарор ривожлантириш учун фойдаланиш;

· давлат буюртмалари ва замонавий шартнома тизимларини инновацион фаолият соҳасида тадбиркорлик билан шуғулланадиган субъектларга жорий этиш;

· турли хилдаги мулкчилик шаклига асосланган, инновацион соҳада тадбиркорлик билан шуғулланадиган корхоналарнинг фаолиятини бошқаришнинг индикатив механизмлари ва регуляторларини қўллаш;

· мамлакат миқёсида инновацион фаолиятни уйғун ривожлантиришга қаратилган регуляторлар ва турли хил тузилмаларни интеграциялашга ёрдам берувчи механизмларни яратиш.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон иқтисодиётига инновацияларни жалб этиш орқали иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига, янги ишчи ўринларини яратиш ҳисобига бандликни таъминлаш, инсонлар турмуш фаровонлигининг юксалишига хизмат қилувчи омилларга янада юқори даражада имкониятлар яратиш лозим. Бу эса истиқболда республикамизда кам таъминланган аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда, улар турмушининг ижтимоий барқарорлигини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий сиёсатнинг юксалишида муҳим аҳамият касб этади.

## Адабиётлар:

1. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2014 йил 18 январь.

2. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: «Ўзбекистон», 2012. –36-б.

3. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-ж. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.

4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2010 йил 12 ноябрь (№ 220).

5. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. –140-б.

6. Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2006. –480-б.

7. Ғуломов С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.; «Шарқ», 2002. –100-б.

8. Дракер П.Ф. Рынок: как выйти в лидеры. Практика и принципы. – М.: «Бук Чембер Интернешнл», 1999. –С. 41.

**Хайдаров М.Т.,**
иқтисод фанлари номзоди, доцент

# ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

***Ижтимоий ҳамкорлик назарияси замонавий жамиятларнинг ўз ҳолича ҳаракатланиши ва фуқаролик жамияти назарияси билан узвий боғлиқдир. Шу икки назариянинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги ва маслакдошлигига эътибор қаратиш ўзаро боғлиқ тамойиллардан келиб чиқиб, ижтимоий жараёнлар тараққиётини мувофиқлаштириш имконини беради.***

Аввалари «ижтимоий ҳамкорлик», деганда ишлаб чиқариш жараёни қатнашчилари: иш берувчилар – тадбиркор, мулкдорлар ва ёлланма ишчилар манфаатларининг уйғунлашувига улар орасида борадиган ҳамкорлик алоқалари орқали эришиш борасидаги институционал муносабатлар тушунилар эди. Бу тушунча 19-асрнинг охири ва 20-асрнинг бошларига хос дунёқарашлар, ишчилар ва иш берувчилар орасидаги ихтилофларни тинч йўл билан ҳал қилишга қаратилган ҳаракатлар натижасида шаклланган эди.

Ҳозирги кунда ижтимоий ҳамкорлик тушунчасига муҳим ўзгаришлар киритилган. Ахборот жамияти шароитида синфлар орасидаги тафовут назарияларининг ўрнига фуқаролик жамияти тушунчалари кириб келди. Бунда жамиятни шакллантирувчи асосий синфлар сифатида фақат ишчилар ва иш берувчилар эмас, балки қатор бошқа жамият аъзолари ҳам назарда тутилади. Улар орасида зиёлилар, уй бекалари, хизмат соҳаси ходимлари, давлат бюджетидан молиялаштириладиган таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа қатор соҳаларда қатнашувчилар ҳамда нодавлат-нотижорат ташкилотларининг жамият таррақиёти ва ўзаро шерикчиликлари билан боғлиқ муносабатга киришадиган жамият аъзолари ҳам бор.

Жамият таркиби ва ундаги алоқаларнинг мураккаблиги ижтимоий шериклик тушунчасини ҳам мураккаблаштириб, нафақат шериклик қатнашчиларининг кенгайишини, балки ундаги кескин муассасавий ўзгаришлар, меъёрий-ҳуқуқий таъ-

минланганлик, ташкиллаштирилиш, нодавлат муассасалари ўрнининг ўсиши, жамият аъзоларининг ўзлигини англаши ва манфаатларига эришишдаги фаолиятларини ҳам ифодалай бошлади.

Ҳозирда «Ижтимоий шериклик» деганда ишлаб чиқариш жараёни иштирокчилари бўлган ишчилар ва иш берувчилар манфаатларини келиштириш механизмлари ва институтлари тизими, якка турдаги тадбиркорлар, нодавлат-нотижорат муассасалари, бюджет ташкилотлари, давлат бошқарув органлари, сиёсий ҳаракатлар, касаба уюшмалари ҳамда бошқа ташкилот ва муассасалар орасидаги кенг қамровли шериклик тушунилади.

Фуқаролик жамиятига асосланган ахборот жамияти шароитида шериклик муносабатлари фақат ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитидагина амал қилиши мумкин бўлиб, бунда жамият ижтимоий ҳаётининг асосини мутлақо ўз манфаатини кўзлаш, меркантиллик ва қандай қилиб бўлсада фойда олишга интилиш ташкил қилмай, балки жамият эҳтиёжларини қондириш ва унинг ҳар бир аъзоси фаровонлигининг юқори даражасини таъминлаш ташкил этади.

Халқаро тажриба таҳлилининг кўрсатишича, ижтимоий шериклигининг ривожланиш даражаси имжтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ривожланиш даражасига мос келади ва уни акс эттиради.

Иқтисодиёт соҳасида қуйидагилар бунга асос бўлиб хизмат қилади:

· мулкчилик шакллари хилма-хиллиги шароитида хусусий мулкчиликнинг дахлсизлиги;

· илғор технологияларга асосланган ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳолати;

· бозорнинг товарлар ва хизматлар билан таъминланганлиги;

· фирма ишида ёлланма ишчилар қатнашиши шароитида фирма ва корпорациялар даромадларининг адолатли тақсимланиши.

Ижтимоий соҳада жамиятнинг фуқаролик деб номланиши қабул қилинган ҳолати шериклик муносабатларининг асоси бўлиб хизмат қилади. Бундай ҳолатда инсон, унинг фаровонлиги, ижтимоий қулайликлар ижтимоий ривожланишнинг асосий мезонлари ҳисобланади. Давлат жамият устида турмайди, балки унга хизмат қилади. Тузилманинг бутун ташқи ноаниқлигида синфлар, ижтимоий қатламлар (тоифалар), гуруҳлар ўз қизиқишлари, ижтимоий ишлаб чиқариш тизимидаги, даромадлар ҳажмидаги, жамоатчилик ишларини бошқаришдаги ўрни ва ролини пухта белгилайдилар.

Ижтимоий шериклик асосини ташкил этувчи фуқаролик жамияти ўзида қуйидагиларни акс эттиради: ижтимоий ва биринчи навбатда, ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий механизм тузилади ва самарали амал қилади. «Иш берувчи – иш олувчи» бўғинидаги ўзаро

таъсир кўпинча тўғридан-тўғри, давлат органларини четлаб ўтган ҳолда амалга оширилади. Фақат томонлар ўз муносабатларида юзага келган муаммоларни ҳал қилишга лаёқатсиз бўлган вазиятлардагина давлат тартибга солиши (суд, маъмурий) киритилади.

Ижтимоий шерикликнинг сиёсий асосини нафақат демократиянинг ривожланган шакллари, балки қонуннинг олийлиги ҳам ўзида мужассамлаштиради. Аниқланишича, диктаторлик ёки авторитар тартиблар шериклик муносабатларини таъминлай олмайди. Масалан, Жанубий Корея ёки Сингапур давлатларидаги тизим ғарбий дунёқараш нуқтаи назаридан, демократик тамойилларга балки тўлиқ жавоб бермас. Лекин бу давлатлар қонун устуворлигининг таъминланиши, ижтимоий шериклик ва ижтимоий ҳамкорлик борасида, мавжуд фуқаролик жамияти ва ўзўзича ҳаракатланиш борасида катта ютуқларга эришганликларини намойиш этмоқдалар.

Бошқарувнинг демократик шаклларида ва қонунчиликнинг олийлигини таъминлашда шахснинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари халқаро меъёрларга мувофиқ декларацияланади ва кафолатланади.

Бунда давлат жамият аъзоларининг барча ҳуқуқларини таъминлайди, унинг ваколатлари соҳалари, жамият, шахс ҳаётига таъсир кўрсатиш тавсифи пухта ва аниқ белгиланган. У шериклар учун «ўйин қоидалари»ни ўрнатади, уларнинг бажарилишини назорат қилади. Жамият аъзолари бу қоидаларга пухта амал қиладилар, бу қоидалар доирасида бир-бирлари билан ўзаро таъсирлашадилар.

Ижтимоий шериклик тизими синфлар, гуруҳлар ва қатламларнинг ижтимоий-сиёсий ўз-ўзини белгилашини, жамиятнинг турли аъзолари манфаатларини ифодаловчи ёки кўзловчи ташкилотлар (сиёсий партиялар, ноҳукумат ва хусусий ташкилотлар, ҳаракатлар, касаба уюшмалари ва ҳ.к.)ни тузиш ва фаолияти эркинлигини кўзда тутади. Бунда шериклик муносабатларининг таркибида сиёсий жиҳат гарчи мавжуд бўлса-да, аммо ижтимоий жиҳат устуворлигича қолади.

Шериклик муносабатларининг маънавий, ижтимоий-руҳий жиҳати жамият руҳиятини «синфий душман» эмас, балки бир жамоа аъзолари ва уларга ёрдам кўрсатаётган, ўз ишчиларининг эҳтиёжларига эътибор қаратувчи ғамхўр хўжайиннинг образи етакчи роль ўйнашини оммавий тарзда англашдан иборат. Кундалик ҳаётда оммавий ахборот воситалари орқали ҳар бир кишининг шахсий фаровонлиги фирма муваффақиятига, корпорациялар, ҳудудий бошқарув органлари ва бутун жамият фаолиятига боғлиқ, деган фикр фаол илгари сурилади. Жамият аъзоларини ҳар бир ташкилот ва бутун жамиятнинг гуллаб-яшнашига олиб келадиган ишларда қатнашишга рағбатлантирадиган тизим яратилган.

Бевосита корхона, фирма, ташкилот даражасидаги шерикликнинг ривожланишида инсонийлик муносабатлари тизими, унинг инсонпарварлашуви муҳим роль ўйнайди.

Ижтимоий шериклик кўрсатилган омилларининг ялпи ҳаракати ривожланган мамлакатларда жамиятга, энг аввало, ижтимоий барқарорлик, ижтимоий-сиёсий барқарорлик билан тавсифланадиган сифат жиҳатдан янги ҳолатни беради. Шериклик муносабатлари жамиятни ўткир ва мураккаб муаммолардан ҳоли қилмайди, аммо уларни ҳал қилиш йўлларидан бири ҳисобланади.

Ижтимоий-сиёсий қарши туришдан шерикликка ўтиш икки нуқтаи назардан ўрганилиши керак. Бир томондан, бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг стратегик мақсадларидан бири, уларнинг пировард натижасидир. Бошқа томондан, шериклик муносабатларини шакллантириш, эътироф этиш ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг зарурий шарти сифатида намоён бўлади.

Ижтимоий шериклик назарияси замонавий жамиятларнинг ўз ҳолича ҳаракатланиш назарияси билан узвий боғлиқ. Ижтимоий ривожланишнинг бурилиш босқичларига эътибор қаратиш ижтимоий ривожланишни тартибга солиш зарурлигининг икки, ўзаро боғлиқ тамойилларидан оғиш имкониятини беради. Биринчидан, ҳозирги босқичда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жараёнлар давлат муассасалари томонидан тегишли назоратсиз амал қилиши мумкин эмас. Иккинчидан, фуқаролик жамияти учун ижобий жараёнлар «умумий фаровонлик давлати»ни яратишни таъминлай оладиган ижтимоий тузилмалар «жамланиши»сиз амалга оширилмайди.

Кўплаб Ғарб мамлакатларида ижтимоий шериклик ғояси ва сиёсати, асосан, меҳнат ҳуқуқи меъёрлари орқали ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Ижтимоий шериклик ижтимоий ҳодиса сифатида 19-асрнинг иккинчи ярмида вужудга келди, бунда индустрлаштиришнинг ривожланиши натижасида ёлланма ишчилар армиясининг ўсиши кузатилди, буржуа жамиятида синфий зиддиятлар кучайди. Бу даврда дунёнинг қатор мамлакатларида сиёсий партиялар, ишчи клублари, манфаатлар (босим) гуруҳлари, касбий ва депутатлик бирлашмалари вужудга келди. 20-асрнинг бошларида буржуа тузумини инқилобий ўзгартиришга чақирган Европадаги радикал оқимлар билан бир қаторда, Рим Папаси Лев XIII нинг «Рерум Новарум» (1891) мурожаатномасида баён қилинган нуқтаи назарларни ажратувчи дунё партиялари ҳам шакл-

ланди[1]. Бунда руҳоний-ота ишчиларни зўравонликни қўлламасликка, мавжуд ижтимоий интизом ва сиёсий тартибни ағдаришга уринмасликка, кучларини жамиятнинг инқилобий эмас, балки тадрижий ривожланишини таъминлайдиган ижтимоий шериклик томонига йўналтиришга чақирди.

Ғарбда ижтимоий шериклик назарияси ва амалиёти ишланмаларини фаоллаштиришга собиқ Иттифоқдаги ижтимоий инқилоб ва социализм қурилиши жиддий таъсир кўрсатди. Ижтимоий ютуқларни эътироф этган ҳолда Ғарб мамлакатлари меҳнат ва капитал ўртасидаги муносабатлар стратегияси ва тактикасини ўзгартиришга, давлат, тадбиркорлар ва ёлланма ишчилар вакилларининг келишилган, ўзаро қабул қилинган хулқ-атвор йўналишини ишлаб чиқишга мажбур бўлдилар.

Саноати ривожланган мамлакатларда ҳам, халқаро майдонда ҳам касаба уюшмалари ва тадбиркорлар уюшмалари сингари жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари, демократик муассасаларни ривожлантирмаган ҳолда бу жараёнларнинг юз бериши мумкин эмас эди. 1919 йилдан бошлаб фаол амал қилаётган Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ана шундай ташкилотлардан бири бўлди.

Бироқ халқаро ташкилотлар фаолиятининг самараси етарли бўлмагани, уларнинг таъсири доимо чекланган ташқи омиллиги билан изоҳланади. Мамлакатда ижтимоий шериклик муносабатлари вужудга келишининг асосий омили, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳасида юз бераётган реал ўзгаришларни, бюджет соҳаси самарадорлигини, ислоҳотларини ва энг муҳими, тегишли қонунчилик асосининг шаклланишини акс эттирадиган ички омил ҳисобланади.

Фан-техника инқилоби (ФТИ) ижтимоий шерикликнинг вужудга келишида кучли туртки бўлди. Бир томондан, ФТИ натижасида жамият аҳоли турли қатламларининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун янги имкониятларга эга бўлди. Бошқа томондан, ФТИ томонидан ишчи кучи сифатига қўйилаётган ниҳоятда юқори талаблар шароитида ишлаб чиқариш жараёни иштирокчилари ўртасидаги муносабатларнинг ижтимоий-руҳий таркибий қисми, бу муносабатларни инсонпарварлаштириш зарурати муҳим аҳамиятга эга бўлиб борди.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга фан-техника инқилоби натижаларини жорий этишнинг ўсиб бораётган кўламлари юқори мала-

